

№ 17-02/302  
17.06.2022й.



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Навоий вилояти ҳокимининг  
биринчи ўринбосари в.б

Т.Атамуродов

2022 йил “17” июнь

**Навоий вилоят ҳокимлигида ўтказилган сайёр йиғилиш  
БАЁНИ**

2022 йил 15 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи - **Т.Атамуродов**-вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Қатнашдилар - Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят бошқарма, ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарлари (*Рўйхат бўйича*)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сонли Фармони ижросини таъминлаш тўғрисида**

*(Т.Атамуродов, С. Шамшиев, Ж. Ҳамроев, Ф.Казакоев, Б.Пирнафасов,..., Т.Атамуродов)*

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими биринчи ўринбосари сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сонли Фармонининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, Фармонда белгиланган вазифаларнинг ижросини қатъий таъминлаш, бунда ижрочи бошқарма ва тузилмаларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги уқтирилди.

Унга кўра, мамлакатимизда фуқароларнинг ахборотни эркин излаш ва олишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда фаолиятини илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди.

Фармонга мувофиқ Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали

жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигига эришиш, Очиқлик индексида намунали баҳоланиб бориш ҳамда кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб йиғилиш,

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сонли Фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан қуйидагилар:

2022 йил 1 августдан бошлаб Давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этиш вазифаси белгиланганлиги,

Шунингдек, амалга оширилган ишлар ва кўрилган чоралар ижроси бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ҳисоботлари ҳар ярим йилда Олий Мажлис Сенати мажлисларида эшитилиши ҳамда баҳолаш натижалари эълон қилинганч, бир ой муддатда фаолияти «қизил» тоифада баҳоланган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очиқлик соҳасида йўл қўйган камчиликлари ва уларни бартараф этиш бўйича режалаштирган чора-тадбирлари юзасидан Ҳукумат тизимидаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахбороти Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида эшитилиши каби тартиб ўрнатилганлиги,

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузурида унинг директори раҳбарлигида масъул давлат органлари ва ташкилотлари вакилларида иборат таркибда Очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган

ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш комиссияси ташкил этилганлиги ва унинг асосий вазифалари белгиланганлиги,

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикаси мазкур Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига мазкур Фармоннинг 2-иловасига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги,

Навоий вилояти ҳокимлигининг “navoi.uz” сайтида аҳамиятга молик маълумотларни жойлаштириш учун алоҳида “Очиқ маълумотлар” рўқни ташкил этилганлиги ҳамда расмий сайт “navoi.uz”да очиқ маълумотлар доимий равишда янгилашиб борилиши йўлга қўйилганлиги, шунингдек очиқ маълумотлар портали “data.egov.uz”да ҳам 27 турдаги аҳамиятга молик очиқ маълумотлар жойлаштирилиб борилаётганлиги инobatга олинсин.

**3. Вилоят ҳокимлиги Юридик хизмати (Ф.Казаков)** ташкилот фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўз кучини йўқотган норматив-ҳуқуқий манбалар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда тасдиқланган дастурлар тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда расмий веб-сайтда янгилаб бориш мақсадида вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматига етказиб борсин.

**4. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий кадрлар гуруҳи (Р.Ҳайдаров)** ҳоумлик расмий веб-сайтида ишга қабул қилиш ва ротация тўғрисидаги маълумот (ахборот)лар эълон қилиниб, бўш иш ўринлари учун номзодларни танлаш жараёнлари жонли (онлайн) трансляция қилиб борилиши ҳамда меҳнат муносабатларига оид ҳужжатлар (меҳнат ёки жамоат шартномаси)да коррупцияга қарши шартларни киритиш, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ва уларни таъқибга олмаслик кафолатини белгиловчи ички идоравий ҳужжатларни эълон қилиб боришни ташкиллаштирсин ва вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматига етказиб берилишини таъминласин.

**5. Вилоят ҳокимлиги Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича масъул ходим (Қ.Абдуазизов)** жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги маълумотлар ҳамда мурожаатларнинг умумлаштирилган натижаларини ҳар чорак якуни бўйича янги чорак биринчи оининг 5-кунига қадар эълон қилиб бориш учун вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматига етказиб боришни доимий амалга оширсин.

**6. Вилоят Компьютерлаштириш маркази директори (Х.Фармонов)** вилоят ҳокимлиги расмий сайтида “Онлайн маслаҳатчи” хизматини ташкил этиш, расмий веб-сайтлар ва Ҳукумат порталига ҳаволаларнинг мавжудлиги, маълумотларни бошқа тилларга синхронлаш функциялари ҳамда веб-

сайтнинг мобиль версияси мавжудлиги, янги маълумотлар билан интерактив усулда танишиш имкони борлиги, жамоатчилик фикрини ўрганиш воситаларининг жорий этилганлиги, маълумотларни қидиришнинг соддалаштирилган усулларини ташкил этиш чорасини кўриш ҳамда бу бўйича тегишли таклифларни киритиш тавсия этилсин.

**7. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (С.Шамшиев)** мансабдор шахсларнинг харажатлари, автомобилотранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда харажатлар сметаси, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар тўғрисида, давлат харидлари ва уни режалаштириш тўғрисидаги очиқ маълумотларни доимий равишда сайтга эълон қилиб борилиши учун ҳар янги чорак биринчи ойининг 5-кунига қадар босма ва электрон шаклда вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматига етказиб берилишини ташкиллаштирсин.

**8. Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши котибияти (Ж.Ҳамроев) Вилоят ҳокимлиги Ташкилий кадрлар гуруҳи (Р.Ҳайдаров)** билан биргаликда вилоят жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган низоми, амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар бўйича ҳар йиллик чоратадбирлар режаси ва тасдиқланган режа асосида ўтказилиши кутилаётган йиғилишлар жадвали ҳамда жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш бўйича белгиланган талабларнинг бажарилиши, жамоатчилик кенгашининг очиқликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва давлат органи фаолиятини такомиллаштиришдаги иштироки ва Фармонда кўрсатилган маълумотларни умумлаштириб борсин.

**9. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (А.Маҳмудалиев, Б.Бобомуродов) вилоят Давлат активларини бошқариш бошқармаси (Ш.Жумаев)** ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқуқини бериш бўйича очиқ танлов ғолиблари ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига мулк ёки ижара ҳуқуқини электрон аукцион («E-IJRO AUKSION») орқали сотиб олган шахслар тўғрисида маълумотларни («E-IJRO AUKSION» савдоси ўтганидан кейин 2-иш кунда) доимий равишда ҳокимлик расмий сайтга жойлаштириб боришни амалга оширсинлар.

**10. Вилоят Бандлик бош бошқармаси (Э.Авезов) ҳар ойнинг 5-кунига қадар** доимий равишда вилоят бўйича бўш иш ўринлари бўйича маълумотларни умумлаштириб, вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматига етказиб борсинлар.

**11. Вилоят Молия бош бошқармаси (Д.Очилов) маҳаллий бюджетнинг ҳар чорак якунида (янги чорак биринчи ойининг 5-кунига қадар)** шакллантириладиган даромадлар ва харажатлар сметаси, режадан орттириб бажарилган қисми ва мазкур маблағлар йўналтирилган мақсадлар


тўғрисидаги маълумотларни вилоят ҳокимлиги Ахборот хизматига тақдим этиб борсин.

12. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Б.Пирнафасов) тегишли бўлинма ва бошқармалардан олинган ҳокимлик расмий веб-сайти "navoi.uz" ва Очиқ маълумотлар портали "data.egov.uz"га жойлаштирилиши лозим бўлган аҳамиятга молик очиқ маълумотларни расмий сайтга ўз муддатида жойлаштиришни ташкил этсин.

13. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Б.Пирнафасов), вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (Д.Мамаражабов), вилоят телерадиокомпанияси (Ғ.Султонов) ва вилоят ОАВ вакиллари билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳиятини ҳамда Очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Ушбу йиғилиш баёнида белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари ҳамда вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



Д.Наврузова

